O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 02 - июнь 113 – Қ-son Samarqand sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритиб борилиши;

“Ijro.gov.uz” тизимига давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Адлия вазирлиги ва, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, Ҳисоб палатаси хулосаси олинган таклифлар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан узайтирилиши;

махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари масъул ҳисобланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев), бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорининг 3, 4 ва 5-иловалари билан тасдиқланган тартиб асосида ташкил этилишини, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини ҳамда бу ҳақда “Ijro.gov.uz” тизимига тегишли маълумотлар киритиб борилишини таъминласинлар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев), бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ижро интизомига масъул бўлинмаларини ижро интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 651-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев) бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликларига - қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ураков, Шукуров, Абилов, Очилов, Ходжаев, Нуруллаев, Мамадкулов, Умаров) ҳамда ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев) зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Э.Турдимов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYAT HOKIMLIGI DEVONXONA